



ISSN: 2181-0796

DOI: 10.26739/2181-0796

www.tadqiqot.uz

**TIL, TA'LIM, TARJIMA
XALQARO JURNALI**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД**

**INTERNATIONAL JOURNAL OF
LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION**



Alisher Navoi



**VOLUME 2
ISSUE 4**

2021

TIL, TA'LIM, TARJIMA

2-SON, 4-JILD

ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД

НОМЕР-2, ВЫПУСК-4

LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

VOLUME-2, ISSUE-4



TOSHKENT-2021

TIL, TA'LIM, TARJIMA XALQARO JURNALI

№4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0796-2021-4>

Bosh muharrir:

Mirzayev Ibodulla
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Bosh muharrir o'rinbosari:

Ismoilov Salohiddin
f.f.n., professor (O'zbekiston)

TAHRIR HAY'ATI:

Mahmudov Nizomiddin
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Boqiyeva Gulandom
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Jalolov Jamol
p.f.n., professor (O'zbekiston)

Dadaboyev Hamidulla
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Ingeborg Baldauf
f.f.d., professor (Germaniya)

Yo'ldoshev Qozoqboy
p.f.d., professor (O'zbekiston)

Rasulov Ravshanxo'ja
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mamatov Abdi
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Safarov Shahriyor
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Shahobiddinova Shohida
f.f.d., professor (O'zbekiston)

To'xtasinov Ilhom
p.f.d. (O'zbekiston)

Qulmamatov Do'smamat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Jumaboyeva Jamila
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mirzohidova Muyassar
f.f.d., professor (Qirg'iziston)

Uluqov Nosirjon
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Eltazarov Jo'liboy
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Umurqulov Bekpo'lat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Bakirov Poyon
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Pardayev Azamat
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Kiselev Dmitriy
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Xurshid Xayrullayev
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Mirzayev Rahmatulla
yu.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Suvanova Jumagul
f.f.n. (O'zbekiston)

Isakova Nodira
f.f.n. (O'zbekiston)

Qodirova Barno
kotib, PhD (O'zbekiston)

Xasanov Axmad
mas'ul kotib, (O'zbekiston)

ILMIY MASLAHAT KEMGASHI:

Turniyozov Ne'mat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Irisqulov Muhammadavaz
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Berdaliyev Abduvali
f.f.d., professor (Tojikiston)

Sayfullayeva Ra'no
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mustafa Ug'urlu
f.f.d., professor (Turkiya)

Djusupov Maxanbat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Jabborov Xo'jamurod
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Bozorov Odil
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Abdiyev Murodqosim
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Raximov G'anisher
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Rasulova Mahfuza
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Yoqubov Jamoliddin
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Baqoyeva Muhabbat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Karimov Suyun
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Rizayev Bahodir
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mo'minov Siddiq
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mamatov Abdug'ofur
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Suvonova Nigora
f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Mukhametkaliyeva Gulnar
f.f.n. (Qozog'iston)

Saidov Sa'no
f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Sahifalovchi: Shakhram Fayziev

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.
Web: [http://www.tadqiqot.uz/;](http://www.tadqiqot.uz/)
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: [http://www.tadqiqot.uz/;](http://www.tadqiqot.uz/)
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД

№4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0796-2021-4>

Главный редактор:

Мирзаев Ибадулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Исмаилов Салахиддин
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Махмудов Низамиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Жалалов Жамол
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Дадабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ингеборг Бальдауф
д.ф.н., профессор (Германия)

Йулдашев Казакбай
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Расулов Равшанхужа
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Маматов Абди
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сафаров Шахриёр
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шахабиддинова Шахида
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Тухтасинов Илхам
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Кулмамаатов Дусмамат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Жумабаева Жамила
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзахидова Муяссар
д.ф.н., профессор (Киргизия)

Улуков Насиржан
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Элгазаров Жулибай
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Умуркулов Бекпулат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бакиров Поён
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Пардаев Азамат
д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Киселев Дмитрий
д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Хуршид Хайруллаев
д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Мирзаев Рахматулла
д.ю.н., доцент (Узбекистан)

Суванова Жумагул
к.ф.н. (Узбекистан)

Исакова Нодира
д.ф.н. (Узбекистан)

Кадирова Барно
секретарь, PhD (Узбекистан)

Хасанов Ахмад
отв. секретарь (Узбекистан)

НАУЧНЫЙ СОВЕТ:

Турниязов Неймат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ирискулов Мухаммадаваз
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бердалиев Абдували
д.ф.н., профессор (Таджикистан)

Сайфуллаева Раъно
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мустафа Угурлу
д.ф.н., профессор (Турция)

Джусупов Маханбат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Жаббаров Хужамурад
д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Базаров Адил
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Аблиев Муралкасим
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Рахимов Ганишер
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Расулова Махфуза
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Якубов Жамалиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бакоева Мухаббат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Каримов Суён
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ризаев Бахадир
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Муминов Сиддик
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Маматов Абдугафур
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сувонова Нигора
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Мукхаматкалиева Гульнар
к.ф.н. (Казакстан)

Сайдов Саъно
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Вёрстка: Шахрам Файзиёв

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.
Web: [http://www.tadqiqot.uz/;](http://www.tadqiqot.uz/)
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: [http://www.tadqiqot.uz/;](http://www.tadqiqot.uz/)
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

INTERNATIONAL JOURNAL OF LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

№4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0796-2021-4>

Chief Editor:

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien.,
prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor:

Ismailov Salokhiddin
Cand. of phil. sciences, assistant
professor (Uzbekistan)

EDITORIAL BOARD:

Makhmudov Nizamiddin
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Bakieva Gulandom
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Jalolov Jamol
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Dadaboev Khamidulla
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Ingeborg Baldauf
Doc. of phil. scien., prof. (Germany)

Yuldashev Kazakbay
Doc. of ped. scien., prof. (Uzbekistan)

Rasulov Ravshankhuja
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Mamatov Abdi
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Safarov Shakhriyor
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Shakhobiddinova Shokhida
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Tukhtasinov Ilhom
Doc. of ped. scien. (Uzbekistan)

Kulmamatov Dusmamat
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Jumabaeva Jamila
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzokhidova Muyassar
Doc. of phil. scien., prof. (Kirghizistan)

Ulukov Nosirjon
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Eltazarov Juliboy
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Umurkulov Bekpulat
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Bakirov Poyon
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Pardaev Azamat
Doc. of phil. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

Kiselev Dmitriy
Doc. of phil. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

Khurshid Khayrullaev
Doc. of phil. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Rahmatulla
Doc. of jurispr. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

Suvanova Jumagul
Cand. of phil. sciences (Uzbekistan)

Isakova Nodira
Doc. of phil. scien. (Uzbekistan)

Kadirova Barno
Secretary, PhD (Uzbekistan)

Hasanov Ahmad
senior secretary (Uzbekistan)

SCIENTIFIC ADVISORY COUNCIL:

Turniyazov Nemat
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Iriskulov Mukhammadavaz
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Berdaliev Abduali
Doc. of phil. scien., prof. (Tajikistan)

Sayfullaeva Rano
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Mustafa Ugurlu
Doc. of phil. scien., prof. (Turkey)

Djusupov Makhanbat
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Jabborov Khojamurod
Doc. of phil. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

Bozorov Odil
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Abdiev Murodkosim
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Rakhimov Ganisher
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Rasulova Makhfuza
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Yakubov Jamoliddin
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Bakaeva Mukhabbat
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Karimov Suyun
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Rizaev Bakhodir
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Muminov Siddik
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Mamatov Abdugafur
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

Suvonova Nigora
Cand. of phil. sciences, assoc. prof. (Uzbekistan)

Mukhametkaliyeva Gulnar
Cand. of phil. sciences (Kazakhstan)

Saidov Sano
Cand. of phil. sciences, assoc. prof. (Uzbekistan)

Pagemaker: Shakhram Fayziev

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.

Web: [http://www.tadqiqot.uz/;](http://www.tadqiqot.uz/)

Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: [http://www.tadqiqot.uz/;](http://www.tadqiqot.uz/)

Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

MUNDARIJA\СОДЕРЖАНИЕ\CONTENT

TILSHUNOSLIK

Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич CATX TUШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАБИАТИ.....	7
Ахмедов Рафаэль Шарифович ILMIY FANTASTIK ADABIYOTIGA OID MATNLARNING TARJIMASI: LINGVISTIK VA PEDAGOGIK ASPEKTLARI.....	20
Berdimuratova Lazzat QIZILQUM HUDUDIDAGI UMUMTURKIY TOPONIMLARNI RIVOJLANTIRISHNING LINGVISTIK VA EXTRALINGVISTIK OMILLARI.....	31
Shadiyeva Dilrabo Qurbonovna RUS TILINING TURLI TILI STANDARTLARINI BUZILISHI OAVDA FOYDALANISH NORMALARI HAQIDA.....	42
Mavlonov Ahmadjon Hoshimovich "SADDI ISKANDARIY" DOSTONIDA QO'LLANILGAN HARBIY TERMINLAR TAHLILI.....	52

TA'LIMSHUNOSLIK

Jabborov Xo'jamurod Jabborovich, Saydullayeva Ra'no Ibadovna, Chariyeva Sarvinoz Tuyg'unovna PROFESSOR TO'RA NAFASOV - O'ZBEK TOPONIMIKASINING YIRIK TADQIQOTCHISI.....	61
Жалолов Жамол ТИЛ ЎЗ СОҲИБИ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИДИР.....	71
Қодиров Умут Рўзибойович ТИЛЛАР ТАЪЛИМИНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ.....	81

TARJIMASHUNOSLIK


Муминов Сидиқжон, Эҳсанова Муқаддамхон БАДИЙ МАТНДА ИНГЛИЗЧА ОЛИНМАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	90
Сувонова Нигорабону "ОҚ РАНГ"НИНГ ЛИНГВИСТИК, ПСИХОЛОГИК ВА ТЕОЛОГИК ТАЛҚИНИ (француз ва ўзбек тиллари мисолида).....	98
Маҳмудов Алишер Йўлдошевич Г.Э.ЛЕССИНГ ДРАМАЛАРИ ТАРЖИМАСИДА АСЛИЯТ ВА ВОСИТАЧИ ТИЛНИНГ ЎРНИ.....	111
Булекбаева Шолпан ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ҚИЁСИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯНИНГ БАЎЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	120
Қодирова Наргизахон Мухтаровна НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЛИМЕНТ КОНЦЕПТИНИНГ ИЗОМОРФ ВА АЛЛОМОРФ ЖИХАТЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....	130
Мамасолиев Рустамжон Адҳамжонович НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА "МУАЛЛИМ" КОНЦЕПТИНИНГ КОММУНИКАТИВ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	139

TIL, TA'LIM, TARJIMA ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

TARJIMASHUNOSLIK

Муминов Сидиқжон,
профессор, филология фанлари доктори,
Фарғона давлат университети,
Фарғона, Ўзбекистон
siddiqjon.mominov@bk.ru
Эхсанова Муқаддамхон,
ФарДУ тадқиқотчиси,
Фарғона давлат университети,
Фарғона, Ўзбекистон
ekhsanova75@gmail.com

БАДИИЙ МАТНДА ИНГЛИЗЧА ОЛИНМАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.5837281>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек бадиий матнида инглизча олинмаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида баҳс юритилади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳар томонлама ўзаро алоқалари кучайган Мустақиллик даврида ўзбекча бадиий матнларда ҳам инглизча олинма сўзларнинг қўлланиши кўпайиб бормоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор бўлиб, аввало, ижодкорларнинг бадиий мақсадига, хорижий тилни билишига боғлиқдир. Олинма бирликлар ҳам бадиий матнда ғоявий мақсад талаби билан қўлланади. Мақолада айни лингвопоэтик таҳлиллардан қўзланган мақсад эстетик таъсирни аниқлашдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган ва бу борадаги муаммоларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: бадиий матн, бадиий мақсад, олинма, лингвопоэтик, эстетик таъсир, семантик, стилистик таҳлил, тадқиқ.

Муминов Сидиқжон,
профессор, доктор филологических наук,
Ферганский государственный университет,
Фергана, Узбекистан
siddiqjon.mominov@bk.ru
Эхсанова Муқаддамхон,
Научный сотрудник ФерГУ,
Ферганский государственный университет,
Фергана, Узбекистан
ekhsanova75@gmail.com

ЯЗЫКОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ АНГЛИЙСКИХ ПРОИЗВОДСТВ В ЛИТЕРАТУРНОМ ТЕКСТЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются лингвопоэтические особенности английских заимствований в узбекском художественном тексте. В период независимости, когда интенсифицировались всесторонние отношения Узбекистана с мировым сообществом, использование английских слов в узбекских литературных текстах увеличивалось. Причин тому несколько, в первую очередь, это зависит от художественной цели создателей, от их знания иностранного языка. Производные единицы также используются в художественном тексте с необходимостью идеологической цели. В статье подчеркивается, что целью того же лингвопоэтического анализа является определение эстетического эффекта, и обращается внимание на проблемы в этой связи.

Ключевые слова: художественный текст, художественная цель, словообразование, лингвопоэтика, эстетическое влияние, семантика, стилистический анализ, исследование.

Muminov Sidikjon,
professor, doctor of philological sciences,
Fergana state university,
Fergana, Uzbekistan
siddiqjon.mominov@bk.ru
Ekhsanova Mukaddamxon,
Researcher of FerSU,
Fergana state university,
Fergana, Uzbekistan
ekhsanova75@gmail.com

LINGUOPOETIC FEATURES OF ENGLISH DERIVATIONS IN LITERARY TEXT

ABSTRACT

This article discusses the linguopoetic features of English borrowings in the Uzbek literary text. During the period of independence, when Uzbekistan's comprehensive relations with the world community have strengthened, the use of English words in Uzbek literary texts has been increasing. There are several reasons for this, first of all, it depends on the artistic purpose of the creators, their knowledge of a foreign language. Borrowings are also used in the literary text with the requirement of an ideological goal.

The article emphasizes that the purpose of the linguopoetic analysis is to determine the aesthetic effect, and draws attention to the problems in this regard.

Keywords: literary text, artistic purpose, borrowing, linguopoetic, aesthetic influence, semantic, stylistic analysis, research.

Тилнинг ҳар бир сатҳ бирликлари ўз сатҳи доирасидагина вазифа бажариш билан чекланмасдан, бошқа сатҳлар бирликлари билан нутқда бирикиб, кўплаб вазифаларни бажаради. Ана шу вазифалар бирлашиб, тилнинг умумий вазифаларини рўёбга чиқаради. Дунё тилшунослиги ютуқларидан озиқланган ва улардан ортда қолмай келанаётган ўзбек тилшунослиги ҳам ўзбек тилининг кўплаб вазифа ҳамда хусусиятларини тадқиқ қилиб келмоқда. Тилшунослигимизда лингвокультурология, социоллингвистика, этнолингвистика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, лингвопоэтика каби соҳалар дадил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда тилшунослик ва поэтика кесишган жой - туташ нуқтада пайдо бўлган соҳа - лингвопоэтикага бағишланган тадқиқотларнинг бошланганига ярим асрча бўлиб қолди. Бу вақт мобайнида лингвопоэтиканинг муҳим масалалари қуйидаги кўринишда ўрганиб борилмоқда:

1. Маълум бир тил бирликларини ажратиб олиб, лингвопоэтик аспектда ўрганишга қаратилган тадқиқотлар.

2. Алоҳида шоир ёки ёзувчи ижоди мисолида бажарилган тадқиқотлар.

3. Аниқ бир лингвопоэтик муаммони танлаб олиб, уни тилнинг турли хил бирликлари мисолида, маълум бир ижодкор асарларига таяниб ўрганилган тадқиқотлар.

Ўзбек тилшунослигининг лингвопоэтика соҳаси юқорида биз кўрсатиб ўтган йўналишлар бўйича ўзининг аниқ хулосаларини берган ва ҳозирги вақтда ҳам шу каби масалалар бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Бундай тадқиқотларнинг бажарилишида биз қуйидаги муҳим жиҳатларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин бўлади. Биринчидан, лингвопоэтик тадқиқотларда тилнинг, ундаги бирликларнинг ифода имкониятлари аниқланади, уларга доир хулосалар берилади. Иккинчидан, тил бирликларининг стилистик хусусиятлари, уларнинг лисоний ва нутқий жиҳатларидаги ўхшашлик ва фарқланишлар аниқланади. Учунчидан, тилга бадиият нуқтаи назаридан ёндашилади, ўз навбатида, бадииятнинг юзага чиқишида тил бирликларининг ўрни, қайси тил бирлигининг қандай поэтик вазифаларни бажариши билиб олинади. Тўртинчидан, ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига баҳо берилади.

XX асрнинг таниқли тилшунос олими А. Шомақсудов шундай деган эди: "Ўзбек тилшунослари томонидан бадиий асар поэтикасига нисбатан лисоний ёндашув Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Чўлпон, А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор, Саид Аҳмад каби адиблар ижодида учрайди". [3, Б.3].

Биз ушбу мақоламизда Ўткир Ҳошимов ҳажвий ҳикояларида қўлланилган инглизча олинмаларнинг лингвопоэтик хусусиятларига тўхталиб ўтишни мақсад қилдик.

Бадиий матн лингвопоэтикаси бўйича бир неча тадқиқотларни амалга оширган олим М. Юлдашев шундай ёзади: "Бадиий асар тилини филологик талқин, таҳлил ва идрок этиш, ундан максимал эстетик завқ ва ахборот олиш малакасига эришишда лингвопоэтика асосий омилдир". [4, Б.26]. Шунингдек, олим докторлик диссертациясида: "Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослиги фани ўтган давр мобайнида улкан ютуқларни қўлга киритди. Бунга "матн лингвистикаси" деб аталувчи тилшунослик йўналишининг катта суръатлар билан ривожланиб

бораётганлиги мисол бўла олади" [5, Б.5] деб таъкидлаб ўтади.

Русча ва бошқа тиллардан олинган ўзлашмалар каби инглизча олинмалар ҳам ўзига хос лингвопоэтик вазифаларни бажаради. Агар ёзувчи ўзининг гоёвий-бадий ниятига мос келадиган олинма сўзнинг маъносини яхши англамаса, олинма сўзларни бадий матнда мувофиқ қўллай олмайди. Бундай бирликлар лингвопоэтик вазифани ҳам муваффақиятли ўтай олмайди.

Бу ҳақда рус тилшуноси В.Я Задорнова қуйидаги фикрларни келтиради: "Сўз бадий матнда идрок қилинаётганда унинг бир вақтда уч хил босқичда вазифа бажараётганлигини эсда тутиш зарур: семантик, метасемиотик ва лингвопоэтик ва шунга мувофиқ уч хил таҳлил объекти бўлиши мумкин. Биринчи икки босқич лингвостилистикага оид ва айнан сўзнинг маъно мундарижасини, семантикасини ҳамда унинг устига қуриладиган экспрессив, эмоционально баҳо оттенкалари ёки коннотацияни фарқлашни назарда тутди. Учинчи босқичдаги талқинларда асарнинг бевосита гоёвий-бадий мазмуни билан боғлиқ бўлган сўзнинг анча нозик ва мураккаб эстетик хусусиятлари билан иш кўрилади" [1. Б.115].

Бизнинг лингвопоэтик таҳлилларимиз ҳам юқоридаги асосда бўлади. Дастлаб олинмаларнинг семантик ва стилистик хусусиятларини кўрсатамиз, кейин лингвопоэтик вазифаларини очиб берамиз.

"Боинг" осмонга кўтарилиши билан ёнимга қошлари ипдеккина, сочлари тилла кокилдек ...хонимча келди. Оғизчаси ангишвонадек. Лаблари худди гилос тишлаб турганга ўхшайди. Одамни дилини қитиқлайдиган майингина, сирлигина табассум ҳада этди.

- Гуд монинг, мистер! - деди.

Бир вақтлар Сталин лагерларида саргардон бўлиб юрганимда бир англиз шпioni ҳам бизнинг баракда ётарди. Шу билан гаплашиб, тилини бинойидек ўрганиб олгандим. Ўша эсимга тушиб, жавоб қилдим:

- Хэлло! Окагинанг айлансин, хэлло!

Хонимча тилини бунчалик билишимни кутмаган эканми, қувониб кетди. Бирпасда анча нарсаларни гапириб ташлади. "Джус" дейдими-ей, "биир" дейдими-ей! Айниқса, "чикен", "чикен" деган сўзни ўн мартача қайтарди-ёв! (Ў.Ҳошимов, Сўққабош бевагина)

Келтирилган мисолда ажратиб кўрсатилган сўзлар контекстда семантик, синтактик ва лингвопоэтик вазифаларни бажарган. Яъни гуд монинг - "хайрли тонг", мистер - "жаноб", хэлло - "салом", джус (juice) - "шарбат", биир (beer) - "пива", чикен (chicken) - "товуқ" маъноларини англантиб келган бўлиб, семантик вазифаси шундан иборат.

Ёзувчи англиз миллатига мансуб аёлнинг нутқида гуд монинг ўрнида Хайрли тонг, мистер ўрнида жаноб, хэлло ўрнида салом, джус (juice) ўрнида шарбат, биир (beer) ўрнида пива, чикен (chicken) ўрнида товуқ сўзларини қўллаши мумкин эди, мазкур олинмаларнинг ўрнини уларнинг ўзбекча муқобиллари боса олар эди. Аммо у ҳолатда асар қаҳрамони англиз бўлмай қоларди. Демак, мазкур матнда олинма сўзларнинг қўлланиши ўзини оқлаган, инглизча олинмаларнинг стилистик вазифаси ана шундан иборатдир.

Инглизча олинмаларнинг семантик ва стилистик вазифалари асосида юзага чиқадиган лингвопоэтик вазифа ундан ҳам ўзига хос ва ўринли чиққан. Ёзувчи ушбу олинмаларни бадий матнга уларнинг семантик ва стилистик вазифалари учунгина олиб кирмаган. Адиб ўзининг гоёвий-бадий мақсадига мос бирликларни семантик-стилистик вазифаларини бажартириш орқали ўзига хос эстетик эффектни ҳосил қилишга эришган. Эстетик эффект эса лингвопоэтик вазифасиз юзага чиқмайди. Яъни китобхонга юқоридаги матнда инглизча олинмаларни ўқиш билан

бевосита ҳиссий таъсир бошланади, инглизча олинмалар ўқувчини ўз ортидан инглизча оламга эргаштиради. Ана шу таъсир жараёни эстетик эффе́кт - эстетик таъсир этиш ҳисобланади. Лингвопоэтик хусусият ушбу эстетик таъсир этишда кўринади.

Ўзинг биласан, овқатдан кейин сигарет мойдек кетади! Айниқса, ўзимизнинг "Хон!" Ҳузур қилиб икки-уч тотганимни биламан, тепамда яна хонимча пайдо бўлди. Бижир-бижир қилиб алланималарни гапирди. Нуқул "фифти доллар" дейди. Тилмочга қараб, нима гап, десам, "эллик доллар экан", дейди. Бунинг одамшинаавандалигини қаранг!

- Мени сен сийласанг, сени пайғамбарлар сийласин, дедим дуо қилиб. - Менга сенинг пулинг жаям керакмас. Эндии-и-и жудаям кўнглинг бўлмаётган бўлса, "эллик доллар, олтмиш доллар", деб майдалашиб ўтирмагин-да... - Шундай деб у ёғини таржимонимдан аниқлаштириб олдим: - "Минг"ни нима дейди булар?

- "Таузен", - деди Саидбой ҳозиржавоблик билан.

- Бир йўла таузен доллар бериб қўя қол, - дедим хонимчага. (Ў.Ҳошимов, Сўққабош бевагина).

Юқоридаги бадий матнда "фифти доллар", "таузен", "таузен доллар" олинмалари ишлатилган бўлиб, улар "эллик доллар", "минг", "минг доллар" маъноларини англатади. Ёзувчи матнга америкача бадий руҳ олиб кириш мақсадида уларни қўллаган. Ушбу сўзлар ана шу мақсад билан стилистик вазифа бажарган. Мазкур олинмаларнинг лингвопоэтик вазифаси бу матн билан танишган ўқувчида америкача қиймат ҳақида эстетик завқ уйғотишдир.

Албатта, биз юқорида таҳлил қилган инглизча олинмалар ҳосил қиладиган эстетик эффе́кт - бадий таъсирнинг даражаси иккита контекстда икки хил. Биринчи контекстда америкача тутум билан боғлиқ инглизча олинмалардан фойдаланилгани сабабли иккинчи контекстдаги олинмалардан кўпроқ таъсир қувватига эга, чунки иккинчи контекстда миқдор билдирувчи олинма сўзлар қўлланган.

Яна бир матнни таҳлилга тортамыз:

- Бу сэр кимлигини биласанми? - деди хонимчага. - Мистер Саид Аҳмад ўзбекнинг Марк Твени бўлади. Тушундингми?

Хонимча шунақанги хижолат бўлди, шунақа хижолат бўлди! Нуқул "Айм сорри мистер Аҳмед, айм сорри, плиз!" дейди. (Узр сўраяпти, чоғи)

- Майли, гуноҳингдан кечдим, оканг айлансин! - дедим раҳмим келиб.

- Менга приз бермасанг ҳам хафа бўлмайман. Фақат Нью-Йоркка кўнганимизда таузент доллар бериш эсингдан чиқмасин! (Ў.Ҳошимов, Сўққабош бевагина).

Юқоридаги матнда америкаликлар турмуш тарзида кўп ишлатиладиган олинма бирликлар - сўз, гаплар қўлланган: сэр, мистер, Айм сорри мистер Аҳмед, айм сорри, плиз. Ушбу олинма бирликлар семантик жиҳатдан мураккаб эмас, яъни ўрта мактаб инглиз тили дарсларида бу сўз ва гапларнинг маъноси билан танишилади. Ёзувчи шуни билгани учунми айнан шунақа бирликларни инглизча беришни мақсад қилган. Олинма бирликлар мазмунини тушунишнинг осонлиги сабабли уларнинг матнга олиб кирилиши стилистик жиҳатдан хато бўлмаган. Хуллас, семантикасининг тушунарли эканлигини уларнинг стилистик тўғри қўлланишига сабаб бўлган, стилистик тўғри қўлланиши ушбу олинмалар бадий матнда юзага чиқарадиган эстетик эффе́ктни таъминлаган, лингвопоэтик вазифа бажариб кела олган. Матнда юзага келаётган лингвопоэтик ўзига хосликнинг таъминланиши олинмаларнинг семантикасидан бошланган.

Куйидаги матнда ҳам инглизча олинмаларнинг семантик ва стилистик нуқтаи назардан ўзаро мутаносиб, мазмунан мослиги сабабли бадий матнга лингвопоэтик

"юк" бера олган. Кузатинг:

Жойимизга келиб ўтиришимиз билан сертабассум хонимча тагин тепамизга келди.

- Кофе, ти? - деди қилдек қошини учириб.

- Жаноб кофе ичадиларми, чойми, деб сўраяпти, - деди таржимоним.

Биласан, умримда кўк чой ичамаганман. Кўк чой ичам, обрўйим тушиб, давлениям пасайиб кетади. Шунақа-ку, боя жарима тўлайсан, деб тинкамни қуритгани учун мен ҳам гашига теггим келди.

- Менга кофе-мофе сапсем керакмас. Менга 95 кўк чойдан бир чойнаккина обкел. Шри-Ланканинг чойидан бўлсин. Чойнакка тушиши билан шапалоқдек ёйилиб кетадиганидан бўлсин, о-кей? - дедим кўлимни пахса қилиб. (Ў.Ҳошимов, Сўққабош бевагина).

Контекстдаги "ти" (tea) - чой, "о-кей" (Ok) - ҳўп, маъқул, яхши маъноларини билдиради. Ёзувчи келтирилган олинмаларни ўзбекча муқобиллари ўрнида ишлатиши билан стилистик хатолик пайдо бўлмаган. Аксинча, бадий матннинг эстетик таъсирчанлиги оширган, жумланинг ишонарлилигини таъминлаган. Халқ тилида кўп ишлатиладиган русча давления, сапсем олинмалари билан кўшилиб, табиий ва оригинал ифода топган.

Олинма бирликлар шунчаки бадий услубга олиб кирилмайди, балки улардан алоҳида коммуникатив-ситуатив, гоъвий-бадий мақсад билан фойдаланилади.

Юқоридаги олинма бирликларнинг бир неча вазифаларини кўрсатиб ўтдик. Олинма бирликлар бажарадиган яна бир лингвопоэтик вазифа қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш саналади. Ёзувчи ўз қаҳрамони нутқини унинг характеридан келиб чиқиб шакллантиради. Бугунги кунда оддий сўзлашувда русча сўзларнинг ўрнини американча ёки инглизча сўзлар, бирикмалар эгалламоқда. Ёзувчи ўзидаги тил сезгисидан келиб чиқиб, қаҳрамонлари нутқини индивидуаллаштиради. Асардаги бошқа қаҳрамонлардан нутқи воситасида алоҳидаллаштирилган образ пировардида ёзувчининг гоъвий-бадий мақсадини очиб беради.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг "Сўққабош бевагина" ҳикоялар тўпламидаги "Мўминтой" ҳажвий ҳикоясидаги Маликахон образи нутқи ҳам юртма-юрт кезиб, тожирлик қилувчи аёл характерини очиб беришга хизмат қилган бўлиб, қуйида унинг нутқида инглизча олинмаларнинг лингвопоэтик хусусиятларини кўриб ўтамыз:

- Алло, Киото? - деди суҳбатдоши рўпарасида тургандек табассум билан. - "Самурай корпорейшн!" Алло, Такамури-сан?

Шу кўйи чорак соатча гаплашди. Ниҳоят "компаньони" билан бир тўхтамага келишди, чоғи, "о-кей! Сенкью. Бай-бай!" деб оромкурсига суянди. (Ў.Ҳошимов, Сўққабош бевагина).

Мўминтой аразлаб чиқиб кетаётган эди телефон жонивор яна жиринглади. Гўшакдан эркак кишининг гўлдираган овози эшитилди:

- Салом алейкум, миссис Малейка!

- О-о-о, мистер Ахмадий! - Маликахон бир зумда жаҳдан тушиб очилиб-сочилиб узоқ гаплашди. Айниқса, хайрлашар чоғи айтган гапи Мўминтойнинг жон-жонидан ўтиб кетди.

- Ай лав ю, мистер Ахмадий! Ай лав ю! Гуд бай! (Ў.Ҳошимов, Сўққабош бевагина).

Юқоридаги матнда инглизча ва японча олинмалар ажратиб кўрсатилган. Маликахон образи нутқини индивидуаллаштиришда японча олинмалардан кўра инглизча олинмаларнинг ўрни ортиқ. "Корпорейшн", "о-кей", "сенкью", "бай-бай", "мистер", "миссис" олинма сўзлари, "Ай лав ю", "Гуд бай" олинма жумлалари

сўзловчининг ғоявий-бадий мақсадига ҳам, коммуникатив-ситуатив мақсадига ҳам мос келади. агар ёзувчи ушбу олинма бирликларнинг ўрнида уларнинг ўзбекча муқобилларини ишлатганида Маликахон образи нутқи бу даражада индивидуаллашмаган, қаҳрамон характери бу қадар ёрқин очилмаган бўларди. Айнан инглизча олинмаларнинг танланиши нутқий вазиятга ҳам мос келган. Ёзувчининг Маликахон образига субъектив муносабатини олинма сўзлар орқали билдириши билан ўқувчида ҳам беихтиёр шундай муносабатни ҳосил қилади. Муаллиф субъектив муносабатининг ўқувчига кўчиши эстетик эффект борлигини, олинма сўзларнинг лингвопоэтик вазифа бажара олганлигини тасдиқлайди.

Қуйидаги матнда ҳам инглизча олинмалар муайян лингвопоэтик вазифаларни бажариб келган. Кузатинг:

Олинма бирликлардан комик ва сатирик эффектларни ҳосил қилишда ҳам фойдаланилади ва бунда ҳам улар лингвопоэтик мақсад билан нутққа олиб кирилади. Ў.Ҳошимов "Мусофир бўлмагунча" номли ҳикоясида америкача ва советча ҳаёт тарзи ўртасидаги фарқни, бу икки тузумдаги кишилараро муомала маданиятини кўрсатиш учун инглизча "please" сўзини икки хил нутқий вазиятда қўллаб комик ва сатирик эффектларни юзага келтиради. Қиёсланг:

1. Америкадаги кишилараро муносабатда қўлланилиши бўйича:

Калта юбка кийган қиз югуриб келди.

- Хэлло, сер! Ким сизни ранжитди? Марҳамат, ичкари киринг! Э кап оф кофе, плиз...

Сашавой шундагина тилга кирди.

- Но, миссис, но, - деди ясама табассум билан. - бу сэр ўзи шунақа... ҳазилкашроқ...

2. Собик Иттифоқдаги кишилараро муносабатда қўлланилиши бўйича:

- Миссис! Иложи бўлса чой... Совқотиб кетдим... Плиз...

- Нима? - Стюардессанинг қоши чимирилди. - Ким "плиз?"

- Миссис, - дедим ялиниб. - Иложи бўлса битта чой. Плиз... Марҳамат...

Стюардесса ўсиб кетган соқолимга, бошимдаги дўппимга тикилиб турди-да, ажиб бир табассум ҳадя этди.

- Балким кофе ҳам сўрарсиз! Тасмани тақинг, гражданин!

Биринчи матнда плиз сўзидан "марҳамат" маъносида қўлланилган ҳамда комик эффект яратилган, иккинчи контекстда сўз яхши тушунилмагнлиги учун қўпол сўкиш сўзи маъносида фойдаланилган ва сатирик эффект ҳосил қилинган. Ушбу олинмалар орқали ёзувчи томонидан юзага келтирилган комик эффектдан ўқувчи-китобхонда ҳосил қилинган эстетик эффект келиб чиққан ва шунинг натижасида лингвопоэтик хусусият касб этган.

Хуллас, ижодкор томонидан бадий матнга олиб кирилган ҳар қандай бирлик муайян ғоявий-бадий мақсадга хизмат қилиши лозим.

Тадқиқотчи Ш. Тошхўжаева айтганидек: "Муаллиф услубида бирликларнинг хилма-хиллиги, ўзгачалиги, кутилмаганлиги, таъсирчанлик даражаси айтилмоқчи бўлган фикрларнинг поэтик структурасини ташкил қилади. Поэтик структурада муаллифнинг коммуникатив нияти ва мақсади, ҳозиржавоблиги, қаҳрамонлар руҳияти ҳамда характериға хос бўлган жиҳатлар акс этади". [2, Б.26].

Олинма бирликлар ҳам бадий матнда ғоявий-мақсад талаби билан қўлланади. Булар ичида инглизча олинма сўз ва жумлалар қаҳрамон характерини типиклаштириш, образ нутқини индивидуаллаштириш, комик эффектни яратишни таъминлайди. Бадий матнни ўқувчи (ёки тингловчи) ана шундай мақсадларда қўлланган инглизча олинма бирликларнинг контекстуал қуршовдаги воқеланишидан алоҳида эстетик завқ олади. Ушбу эстетик завқнинг олинма тил

бирликларининг матний ҳаёти сабабли лисоний ифодаланиши лингвопоэтик таъсир ҳисобланади. Бизнинг мақоламиздаги лингвопоэтик таҳлилларимизнинг мақсади эса айни эстетик таъсирни аниқлашдан иборат бўлди.

Иқтибослар/Сноски/References

- 1.Задорнова В.Я. Слово в художественном тексте / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Отв. ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. - М.:МАКС Пресс, 2005. Вып. 29. - С. 115.
- 2.Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси. - Тошкент: Мумтоз сўз, 2016.
- 3.Шомақсудов А. Ўзбек адабий тилининг ривожланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти // Шарқ юлдузи, 1954. 3- сон.
- 4.Юлдашев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. - Тошкент, 2008. 26- б
- 5.Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: ф.ф.д-ри дис. - Тошкент, 2009. 5- б.
- 6.Ҳошимов Ў. Сўққабош бевагина. - Тошкент: Шарқ, 2008.